О.А.РЎЗИЕВ
Н.С.ХЎЖАМУРОДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

АФҒОНИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ



ЗИЁ МАСКАНИ

Термиз-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

АФҒОНИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ



ЗИЁ МАСКАНИ

Термиз -2020





Мен қатъий аминман: афғон халқида ўз фарзандлари ва келажак авлодларнинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-ғайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат етарли.

Ш.Мирзиёев

Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича биз бошлаган улкан ишларни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган асосий куч айнан ёшларимиздир.

Ш.Мирзиёев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ АФҒОНИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ҲАҚИДА

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасида эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётганлиги ҳамда дунё ҳамжамиятида мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар ,айниқса, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланаётганлиги ҳаммани қувонтиради.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёвнинг “Мен қатъий аминман: афғон халқида ўз фарзандлари ва келажак авлодларнинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-ғайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат етарли” деган пурмаъно фикрлари айни ҳақиқатдир. Бизга маълумки қўшни Афғонистон Ислом Республикасидаги келажак авлод 40 йилдан ортиқ уруш алангасида вояга етиб келмоқда. Ушбу мамлакатда тинчликни сақлаш мақсадида Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан 2017 йил 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги ҳалқаро конференциянинг ўтказилиши ҳам бежизга эмас.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10 сентябрь куни Остонада Ислом ҳамкорлик ташкилоти Саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси давлат раҳбарлари орасида бўлиб ўтган музокаралар давомида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Термиз туманининг Афғонистон билан чегара ҳудудида Афғонистон фуқароларини ўқитишга мўлжалланган ўқув марказини ташкил этиш режалаштирилган эди.

Мазкур келишув ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 13-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 911-сон қарори билан ушбу марказ ташкил этилди.

Марказ биноси 2005-йилда қурилган бўлиб, умумий ер майдони 6,5 га, ўқув биноси 3,5 га ер майдонидан иборат бўлиб, унда 750 ўринли ўқув биноси, 320 ўринли қишки ва ёзги ошхоналар, нонвойхона, 420 ўринли талабалар турар жойлари ва барча спорт турларига мўлжалланган очиқ ва ёпиқ ўйингоҳлар мавжуд. Шунингдек, 30 ўринли 20 та, 60 ўринлик 9 та ўқув хоналари, 200 ўринли фаоллар зали, 42 ўринли видеоконференция хонаси, 3 та 18 ўринли информатика хонаси, 24 ўринли физика ва химия, транспорт лабаратория хоналари, 20 ўринли лингафон хонаси ва 80 ўринга мўлжалланган кутубхона, ҳаммом, кир ювиш биноси, 6 ўринли 2 та ташқи ҳожатхона, ўқув-лаборотория биноси, 2-НЎП (назорат ўтказиш пункти) қурилди.

Ушбу ўқув хоналар ва ошхоналар, ҳамда спорт заллари замонавий жиҳоз ва спорт анжомлари билан таъминланган. Марказ биноларининг иситиш тизими ҳам тўлиқ қайта таъмирланди. Марказнинг тегишли бино ва иншоотларини ҳамда талабалар шаҳарчасини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси, бош лойиҳачи ташкилот «Уйжойсаноатсув-қурилиш» хусусий лойиҳа корхонаси лойиҳасига асосан “Сантехмонтаж” хусусий корхонаси бош пудрат ташкилоти томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Марказда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида қабул қилинган нормаларга асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурларга мувофиқ кундузги таълим шакли бўйича ўқиш ташлил этилган

Афғонистон томони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда марказда кадрларни олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурлари асосида ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича қисқартирилган таълим муддатлари бўйича ўқув режалари модуллаштирилган шаклда ишлаб чиқилган. Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган.

Марказда 2017-2019 ўқув йилида илк бор 96 нафар “Ўзбек тили ва адабиёти” бакалавр таълим йўналиши бўйича талабалар таълим олишди Афғонистонлик ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида дарслар ТДЎТАУ ва ТерДУнинг 46 % илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилди Ушбу 96 нафар талаба 2019 йил 5 июл куни Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг бакалавр даражасидаги дипломига эга бўлишди.

2018-2019 ўқув йилида 25 нафар талаба “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” (локомотивлар, вагонлар) йўналиши бўйича таҳсил олишга тайёргарлик кўраётган тингловчи сифатида ўзбек ва рус тилларини ўрганувчи курсларда ўқидилар.

2019 йил 2 сентябрдан бошлаб ушбу 25 нафар талабалар “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” (локомотивлар, вагонлар) йўналиши бўйича таҳсил олишни бошлади.

2019 йил 25 ноябрдан 147 нафар янги талабалар ўқишга келишди. Айни пайтда улардан 119 нафари “Ўзбек тили ва адабиёт ”, 18 нафари “Тиббиёт (акушерлик ва ҳамширалик иши)”, 10 нафари “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси”(локомотивлар ва вагонлар) таълим йўналиши бўйича ўқимоқдалар.

Марказнинг ахборот-ресурс марказида бир вақтнинг ўзида 80 нафар талаба ёшлар бемалол дарс қилиш, интернет манбаларидан фойдаланиш, техника, ижтимоий-гуманитар, бадиий ва ижтимоий-сиёсий йўналишдаги адабиётлар, Ўзбекистонда ишланган бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва электрон китоблар тўпламидан фойдаланиш имкони яратилган. Шунингдек, 2 дона Ўзинфокиоск қурилмаси ўрнатилган бўлиб, унда ўзбек ва дари (афғон) тилларида дастурий таъминот ишлаб чиқилган ва ушбу дастурдаги 5 та бўлим (“Ўзбекистон рамзлари”, “Маданий мерос”, “Арбоблар”, “Ифтихорларимиз”, “Галерея”) маълумотлари билан тўлдирилган.

Марказда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ёш нотиқ, ёш журналист, мамлакатшунослик, ёш дастурчи, тасвирий ва халқ амалий санъати, 10 дан ортиқ спорт тўгараклари, тикувчилик, сартарошлик ва бошқа тўгараклар фаолият олиб борилмоқда.

Ушбу тўгарак аъзолари қисқа вақт ичида, ўзларининг фаоллиги ва илмга чанқоқлиги натижасида туман, вилоят ҳамда республикамиз миқёсида ўтказилган маънавий-маърифий, спорт, маданият соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар.

Буюк аждодларимиз Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Зулфия Исроилова, Беҳбудий, Абдулла Қодирий,Чўлпон, Фитрат, Муҳаммад Юсуф, Эркин Вохидов, Абай Қўнанбоев, Чингиз Айтматов кабиларнинг ижодий фаолиятларига бағишланган тадбирларида марказ талабалари фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Марказ жамоаси вилоят ва республикада ўтказилган сайлларда, кўрик-танловлар, илмий анжуманларда қатнашиб муносиб ўринларга сазовор бўлишмоқдалар.Талабалар “Наврўз” умумхалқ байрамида, “Бойсун баҳори”, Навоий вилоятида бўлиб ўтган “Нурли Наволар”, “Қўқон халқаро ҳунармандчилик” фестивали, “Ёшлар келажак бунёдкори”, “Дўппи”, “Онлайн журналист”, “Юксак маънавиятли авлод”, “Нафосат-2018-2019”, “Ташаббус-2018, 2019” ,“Зулфия” номидаги Давлат мукофоти танловларида, Бухоро, Фарғона ва ТДШИ, ТДИУ, ТДПУ, УрДУ, ТДЎТАУ каби университетларда ўтказилган илмий анжуманларда ўзларининг мақолалари билан қатнашдилар. 2017-2020 ўқув йили давомида Марказда ўтказилган 700 дан ортиқ ўқув ва маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ОАВда ҳамда марказнинг веб www.uzaf. .uz сайти ва UZAF Matbuot xizmati телеграмм каналида ёритилиб борилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят ва республика ОТМ ўртасида ўтказилаётган “ҚВЗ”, “Жануб зукколари” телебеллашувининг саралаш босқичида марказнинг “УзАф” жамоаси иштирок этиб, 7 та ўйинда, яъни вилоятдаги 7 та Олий таълим муассасаларнинг жамоалари билан беллашиб ғолиб бўлганликларини ҳамда республика чорак финалида иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, мамлакатимиздаги туризм салоҳиятининг юқорилигини ҳар бир талабага ўргатиш ва келажакда Афғонистон Ислом Республикадаги мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш йўлларини амалга ошириш мақсадида талабалар дам олиш ва таътил кунлари мамлакатимиз (Сухондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фар-она водийси ва Навоий вилоятлари)даги тарихий обида ва ёдгорликлар, музейлар, табииатнинг манзарали жойларини ҳамда мустақиллик йилларида қурилган бино ва иншоатлар билан таништирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар 5 нафар талабага 1 нафар устоз мураббийларни бириктириш орқали талабанинг қизиқиш ва истаклари асосида

янги қўшимча ҳунар эгаллаши ҳамда ўз иқтидорларини очиб беришига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

“Оққан дарё оқмай қолмас” деган доно бир мақол бор. Шу маънода, юртимизнинг қон-қонида азалдан бўлган ақл-заковат, илм-маърифат туфайли, устозларнинг хизматлари натижасида келажакда ушбу марказда таълим олаётган ҳар бир мутахассислар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб Ватанпарварлик туйғулари кенг шаклланган, қўшимча ҳунарга эга бўлиши мамлакатимиз ва Афғонистон заминидан янги Хоразмийлар, Берунийлар, Навоийлар, Бобурийлар, Улуғбеклар етишиб чиқишига ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирамиз.

МАРКАЗНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ

Барчамизга маълумки, яқин йилларгача жаҳонда Афғон фуқаролари учун махсус олий таълим муассасаси йўқ эди. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Афғонистон фуқароларини ўқитиш учун таълим марказининг ташкил этилиши жаҳоннинг кўплаб давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналар, олий таълим муассасалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамғарма ва фондларининг қизиқиши ортишига сабаб бўлди. Шунинг учун турли ташкилотлар марказ билан илмий-амалий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва таълим соҳаларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Жумладан, бугунги кунда дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, яъни БМТ, ЕИҲТ ҳамда АҚШ, Россия, Германия, Словакия, Хитой ХР, Жанубий Корея, Буюк Британия, Швеция қироллиги, Япония, Ҳиндистон каби йирик давлатлар билан алоқалар ўрнатилмоқда.

Марказ USAID, Konrad Adinauer va Fridrix Ebert, KOICA, JICA, GIZ ташкилот ва фондлари билан қўшма лойиҳаларда иштирок этиб, марказнинг моддий техника базасини бойитиш ҳамда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали таълим жараёнининг сифатини янада ошириш, давлатлар ўртасида жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашга қаратилган лойиҳаларни тадбиқ этиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазалари билан иштирок этишмоқда.



Жумладан, 2019 йил 16 сентябрь куни АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Дениел Розенблюм бошчилигидаги делегация марказга ташрифи буюрдилар. Делегация ташриф давомида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида талабалар учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув хоналари ва жиҳозлари, талабалар ётоқхонасининг имкониятлари, овқатланиш ҳамда бошқа яратилган қулайликлар билан яқиндан танишди.



Делегация марказда таҳсил олаётган талабаларнинг билимини янада ошириш ҳамда таълим муассасаси моддий базасини ривожлантириш юзасидан ҳамкорликда ишлар олиб бориш кераклиги тўғрисида фикр юритди. Ташриф доирасида, Д.Розенблюм раҳбарлигидаги делегация аъзолари Марказ кутубхонаси фондини бойитиш мақсадида 20 та инглиз тилидаги ўқув қўлланмаларини тақдим этдилар.

2019 йилни 19-21 сентябр кунлари Тошкент шахрида бўлиб ўтган «ЮКСАЛИШ» умуммиллий ҳаракати ва Konrad Adinauer фондини билан ҳамкорликда ташкил этилган «Рақамлашув, иқтисодиёт, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш Марказий Осиё ва Европа иттифоқи учун истиқболлар» мавзусидаги ёшлар конгрессида марказ директори ва иқтидорли талабалари фаол иштирок этдилар.







2019 йил 25-сентябр куни Ҳиндистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Сантош Жани бошчилигидаги делегация Афғонистон фуқароларни ўқитиш таълим марказига ташриф буюришди. Марказ раҳбарияти томонидан меҳмонлар кутиб олинди ҳамда улар марказда яратилган шарт-шароитлар билан таништирилди. Меҳмонлар талаба ёшлар билан суҳбатда бўлиб, уларга ўқишлари, яратилган шароитлардан хурсанд бўлиб ўз маслаҳатларини беришди. Марказда афғон ёшлари учун яратилган шароит ва имкониятлар меҳмонларимизда жуда катта ижобий таассурот уйғотди.

2019 йил 4-октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал Ҳаким Ат Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича анъанавий XIV-Халқаро турнирига Афғонистон Ислом Республикаси кураш федерацияси Президенти С.Маҳмуд Зиа Дашти Марказга ташриф буюрди ва ташриф давомида марказ фаолияти билан танишар экан, талабаларга яратилган шарт- шароитларни кўриб Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқига ўз минатдорчилигини билдирди.





2019 йил 7-октябр куни Россия Федерациясининг блоггер муҳбири Рамзиз Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига ташриф буюрди, ҳамда афғон ёшлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Ташриф чоғида Афғонистонлик ёшлар билан суҳбатлашди. Яратилган бундай имкониятлардан Афғон ёшларининг мамнун эканлигини таъқидлади.



2019 йил 5 ноябрь куни Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида трансчегаравий савдони ривожлантириш бўйича Ишчи комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон томонидан Ишчи комиссия раиси, Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон Ислом Республикасидаги махсус вакили И.Эргашев, Афғонистон томонидан Ишчи комиссия раиси, Балх вилояти ҳокими Исҳақ Рахгузар бошчилигидаги делегация қатнашди. Мажлис кун тартибидаги масала бўйича Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов йиғилишни очиб, икки давлат ўртасида тузилган келушувга асосан амалга оширган ишлар бўйича ахборот берди. Икки давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш бу борада визаларни содалаштириш, қўшма корхоналарни фаолиятини янада кенгайтириш, қўшимча



инвестициялар олиб кириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Афғонистон Ислом Республикаси томонидан Балх вилояти ҳокими Исҳақ Рахгузар сўзга чиқиб, сўнгги йилларда икки қўшни давлат ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик алоқалари, иқтисодий-савдо ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади ва иккинчи йиғилишни Афғонистон Ислом Республикаси диёрида ўтказиш таклифини берди.




2019 йил 18 ноябр куни АҚШнинг наркотикка қарши кураш бошқармаси вакиллари АҚШнинг Қозоғистондаги элчихонасининг наркотикларга қарши кураш бошқармаси атташеси Михаил Карпенкопф, АҚШнинг Қозоғистондаги элчихонасида Назорат-тергов ёрдамчиси Саягул Турлибаева, АҚШнинг Қозоғистондаги элчихонасининг наркотикларга қарши кураш бошқармаси агенти Мишел Реамер, АҚШнинг Афғонистондаги элчихонасининг наркотикларга қарши кураш бошқармаси агенти Марк Фовлер, Вашингтон Давлат департаментининг Наркотиклар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш халқаро бюроси вакили Жеймс Франсис Огара, АҚШ давлат департаментининг Тошкент шаҳридаги наркотикларга қарши курашиш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича бюроси раҳбари Рассел Сингерлар марказга ташриф буюрдилар.Делегация аъзолари ўз ташрифларини Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг ҳозирги ҳолати, талабалар учун яратилган шароитлар ва келажакдаги имкониятлари билан танишишдан бошлашди. Шунингдек марказда таҳсил олаётган АИР талабалари билан қизғин суҳбат ўтказилди.



Бундан ташқари хорижий меҳмонлар билан бўлиб ўтган учрашув давомида АҚШнинг “Гиёҳвандликка қарши курашиш ишларини такомилаштириш ва ахборот алмашиш” борасида зарур бўлган АИР тингловчиларининг қисқа муддатли (*икки, тўрт ва олти ҳафталик*) ўқув курсларини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.Шунингдек, хорижий меҳмонлар томонидан Марказ фаолияти, хусусан ўқув жараёнларини такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишга кўмаклашиш мақсадида, АҚШ ҳукумати томонидан ўқув жиҳозлари ва компьютер технологиялари билан таъминлаш хусусида сўз юритилди.

2019 йил 21 ноябр куни Афғонистон Ислом Республикаси Фарёб вилоятида жойлашган Ришод хусусий университет ректори Абдул Рашид



Решад Марказга ташриф буюрди. Ташриф давомида Марказда яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Марказ фаолияти ҳақида ижобий хулосага келар экан, Сурхондарёда хусусий олийгоҳ очиш ниятида эканлигини билдирди. Суҳбат давомида икки олийгоҳ ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга келишиб олинди.

2019 йил 3 декабр куни АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Марказий Осиёдаги минтақавий миссияси Иқтисодий алоқалар бўйича офиси директори Райдер Роджерс, АҚШ Савдо вазирлиги Тижорат ҳуқуқини ривожлантириш халқаро дастури юристконсули Жоселин Стайнер Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига ташриф буюришди. Меҳмонлар ўз ташрифларини Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг ҳозирги ҳолати, талабалар учун яратилган шароитлар ва келажакдаги имкониятлари билан танишишдан бошлашди. Шунингдек марказда таҳсил олаётган АИР талабалари билан қизғин суҳбат ўтказилди.

Бундан ташқари хорижий меҳмонлар билан бўлиб ўтган учрашув давомида марказ томонидан тавсия этилаётган марказни ривожлантириш бўйича таклиф лойиҳалари бўйича ўз фикр мулозаҳаларини билдиришди. Таклиф этилаётган лойиҳалар рўйхати тақдим этилди.



2019 йил 3-4 декабр куни Термиз шаҳрида “Савдо имкониятлари ва транспорт-транзит муаммолари” мавзусидаги икки кун давом этган форумда мамлакатимиз ҳамда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Украина сингари давлатлардан вакиллар ҳамда Афғонистон фуқароларни ўқитиш таълим марказ раҳбарияти ва талабалари иштирок этдилар.

2019 йил 4 декабр куни Марказга Афғонистон Ислом Республикаси транспорт вазирлиги ҳузуридаги темир йўллар агентлигининг раҳбари Муҳаммад Ямо Шамс ҳамда унинг ўринбосари Аҳмадшафиқ Урфони жаноблари ташриф буюрдилар.

Ташриф давомида қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:



1.Марказда “Ер усти транспорти тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш ҳамда уларнинг махсус фанлар бўйича ўзлаштириш даражасини назорат қилиш.

2. Келгусида марказга таълим олиш учун юбориладиган талабаларнинг қабул квотасини ошириш ҳамда темир йўл соҳасига оид янги йўналишлар фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Марказда АИР транспорт вазирлиги таклифига мувофиқ, транспорт йўллари ва кўприклар қурилиши соҳалари бўйича янги йўналиш ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш.

Учрашув давомида 2020 йилнинг январ ойида 50 нафар, йил давомида эса 200 нафар афғонистонлик ёшларни "Ер усти транспорти" йўналишида ўқиш учун марказга юборилишига келишиб олинди.

2019 йил 10 декабр куни Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Афғонистон Ислом Республикасининг Термиз шаҳридаги Консули С.Сакандари жаноблари ҳамда талаба-ёшлар ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат давомида Консул томонидан талаба-ёшларга дарс машғулотларини яхши баҳоларга ўзлаштириш ҳамда марказнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилиш каби масалалар айтиб ўтилди. Суҳбат давомида талабаларимиз ҳам бу муқаддас даргоҳга фақат илм олгани келганликларини ҳамда бу ерда яратилган шарт-шароитлардан ҳар сонияда унумли фойдаланишларини айтиб ўтдилар.



2019 йил 11 декабр куни Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси Г.Оверфельд ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ч.Бегимқулов ташриф буюрди. Меҳмонлар марказ фаолияти билан яқиндан танишиб чиқдилар. Жумладан, 300 ўринли талабалар турар жойининг янги биноси, ўқув ва лаборатория хоналари, спорт зал, ошхона, АРМ, интернет тизими ва компютер хоналари кўздан кечирилиб, бу ерда талабалар учун ҳам яшашлари, ҳам ўқишлари учун барча шароитлар мавжудлиги айтиб ўтилди.



Оверфельд жаноблари талабалар учун яратилган яшаш ва ўқиш шароитлари аъло даражада эканлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг, Г.Оверфельд марказда таҳсил олаётган талабалар билан суҳбат ўтказди.

Элчи жаноблари 2020 йилнинг январ ойида ГФРнинг ҳалқаро банки бўлган KFW вакилларини таълим марказига ташрифи ҳамда Афғонистон Ислом Республикасининг турли соҳа вакилларини макаласини ошириш бўйича қиска муддатли ўқув курсларини ташкил этиш масаласини ижобий ҳал қилинишида амалий ёрдам кўрсатишини таъкидлаб ўтди.



Шунингдек, Г.Оверфельд “GIZ” халқаро ташкилоти кўмагида марказда қуйидаги 3 та йўналишни янада ривожлантириш лозимлигини алоҳида эътироф этди. Хусусан,

1. Ҳунармандчилик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
2. Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ҳалқаро тоифадаги мутаххассисларни жалб қилиш;
3. Марказда Германиянинг тегишли ОТМлари ҳамкорлигида бошланғич немис тили дарсларини ташкиллаштириш.

Шу билан бирга ГФР элчиси, ўқув курсларини ташкиллаштиришда Берлин шаҳридаги нуфузли ОТМ профессор-ўқитувчиларини жалб этишда амалий ёрдам беришини таъкидлаб ўтди.

2020 йил 3 феврал Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига Корея республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Кан Чжэ Квон бошчилигида делегация ташриф буюрди.

Ташриф давомида меҳмонлар билан Кореянинг мутасадди ташкилотлари имкониятлари орқали келгусида марказда турли соҳаларда қисқа муддатли ўқув курсларини ташкиллаштириш ва молиялаштиришда амалий ёрдам бериш;

Марказда “Акушерлик ва ҳамширалик иши” ва “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплутацияси” информацион технологиялар хонаси,АТ аудиторияларини зарурий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш каби масалалар кўриб чиқилди.

Юқоридаги масалаларни инобатга олган ҳолда, марказ раҳбарияти ҳамда меҳмонлар ўртасида учрашув бўлиб

.



Элчи жаноблари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг таклифига биноан Сурхондарё вилоятида информацион технологиялар ва қишлоқ хўжалиги соҳасида яқиндан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида эканлигини билдирди. Шунингдек Марказга зарур бўлган ўқув жиҳозлари ва қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилиш учун марказ раҳбариятидан таклиф ва фикрлар сўради.

Марказ директори таълим муассасаси фаолиятини янада ривожлантириш, бунда хорижий ҳамкорлар томонидан ажаратиладиган бюджет маблағлари ўта муҳимлигини яна такрорлаган ҳолда, Кан Чжэ Квондан қуйида келтирилган таклифларни ижобий ҳал қилинишида амалий ёрдам беришини сўради.


• Информацион технологиялар хонаси “IT” ўқув хоналарини зарурий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш;

• Тиббиёт хонасини гинекология ҳамда стоматология ускуналари билан жиҳозлаш;

• Темир йўл ва енгил автомобиль ҳайдовчиларини тайёрловчи ўқув ҳоналарини автосимулятор билан таъминлаш;

• Корея тилини ўргатиш бўйича курслар ташкил қилиш ва мутахассислар билан таъминлаш;

• ТТЖда талабалар бўш вақтини мароқли ўтказиш учун фитнес клубини ташкил этиш.



Берилган таклифлар юзасидан элчи жаноблари ўз минатдорлигини билдирди ва Сурхондарё вилояти ва Марказга келишининг асосий мақсади информацион технологиялар ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда яқиндан ҳамкорлик қилиш, марказ ҳақидаги таклиф ва фикрларни инобатга олиб, имкон даражасида ёрдам беришга ҳаракат қилиш эканлигини маълум қилди

2020 йил 6 феврал куни Словакиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бори Ян расмий ташриф билан Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолияти билан яқиндан танишди. Элчи ўқув марказида



Афғонистон талаба ёшларини ўқитиш учун давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган ўқув аудиториялари, лабораториялар, талабалар турар жойлари, ошхоналар, дарсдан ташқари тўгараклар учун яратилган шароитларини кўриб, юқори баҳолади. Шу ўринда марказ фаолиятини ривожлантириш бўйича Словакия давлати томонидан 10.минг евро миқдорида беғараз ёрдам кўрсатилганлиги ва бу маблағлар ҳисобидан марказга мини типография,фотоапарат харид қилинганлиги ҳамда иккита хона ажратилганлигини эътироф этиб, бундан кейин ҳам Халқаро ҳамкорликларни ривожлантириш бўйича ўз таклифларни билдирди. Бори Ян марказда ажратилган ҳамкорлик хонаси очилиш маросимида иштирок этди.
Марказда таҳсил олаётган талабалар билан учрашиб, улар томонидан билдирган саволларга жавоб берди ва талабалар томонидан берилган таклифларни инобатга олган ҳолда доимий равишда Словакия давлати қўллаб- қуватлашини такидлади. Марказ раҳбарияти кўрсатилган беғараз ёрдам учун ўз минатдорлигини билдирди ва марказни ривожлантириш бўйича доимий ҳамкорлик қилиш мақсадида ўз таклиф ва мулоҳазаларни бердилар.



2020 йил 29 феврал куни Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети Термиз филиали ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ўртасидаги ҳамкорлик меморандиуми имзоланди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети Термиз филиали ва Марказ ўртасида ўқитувчиларини малакасини ошириш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқувчиларга таълим бериш,ўқитувчи ва талабаларини марказга юбориш каби ўзаро маънавий ресурслардан фойдаланиш, Олий таълимда ўқитиш имкониятларини ошириш билан боғлиқ ахборот ва кадрлар алмашинуви, сифатли ўқиш жараёнларини ташкил этиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш, илмий, маънавий-маърифий, спорт ва оммавий тадбирларда ўзаро ҳамкорликлар бўйича шартномаси имзоланди.



2020 йилнинг 2 март куни Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ҳамда Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандиуми имзоланди. Тадбир доирасида Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Сон Сонг Иль дунёда муқобили йўқ мазкур таълим муассасасида бўлиб афғонистонлик ёшлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Замонавий марказда қўшни давлатдан келиб, таълим олаётган талаба-ёшлар билан учрашиб, суҳбатлашдилар.



Икки томонлама имзоланган англашув меморандиуми касб-ҳунар таълими соҳасини ривожлантириш учун зарур бўлган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқувчиларга таълим бериш бўйича ўзаро ҳамкорликни жорий этади. Кўнгиллиларни юбориш орқали афғон ёшларига ахборот-коммуникация технологиялари бўйича корейс тилини ўргатиш кўзда тутилмоқда. Марказнинг касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини ошириш билан боғлиқ ахборот ва кадрлар алмашинуви йўлга қўйилиши, “Корея маданий марказ”ини ташкил этиш режалаштирилди.



2020 йилнинг 3 март куни Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига Ҳиндистон давлатининг Ўзбекистондаги элчисининг иккинчи котиби Адити Валундж ҳамда Ўзбекистондаги Ҳиндистон Маданияти маркази директори профессор Чандер Шекҳарлар ташриф буюрдилар. Дастлаб, меҳмонлар Марказ фаолияти билан тўлиқ танишиб чиқиб, талабалар билан суҳбатлашдилар. Марказ кутубхонасига Ҳиндистон фотоальбомини туҳфа қилдилар. Сўнгра марказ раҳбарияти ва меҳмонлар билан музокаралар бўлиб ўтди. Профессор Чандер Шекҳар ушбу марказда яратилган шароит ва имкониятлардан мамнунлигини таъкидлаб, келгусида Ҳиндистон давлати

томонидан марказнинг моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда ўкитиш тизимлари бўйича доимий ҳамкорлик алоқаларини келишиб олинди.

2020 йилнинг 9 март куни марказга Германия Федератив Республикасининг Конрад Адинауер ва Фридрих Эберт фондларининг Марказий Осиё давлатлари бўйича раҳбарлари ташриф буюришди.

Германия Федератив Республикасидан Ронни Хайне, Кристоф Морлар марказда яратилган шароитлар билан тўлик танишиб чикдилар.
Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида афғон ёшлари учун таҳсил олиш ва яшаш шароитлари билан танишиш, шунингдек Марказда Афғонистон Ислом Республикасида божхона, тиббиёт, темир йўл ва тадбиркорлик, туризм соҳаларида фаолият юритаётган АИР фуқаролари учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш бўйича таклифлари келишиб олинди. Келгусида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини янада ривожлантириш, таълим жараёнларини сифатини ошириш





мақсадида хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликлар йўлга қўйилмоқдаки, бу борада АҚШ, Ҳиндистон, Корея, Словакия давлатларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Жумладан, Европа иттифоқи, Хитой, Германия, Корея ва Ҳиндистон давлатлари қисқа мудатли курслар очиш ва уларга талабаларни жалб қилиш ҳамда ўқитиш бўйича молиявий қўллаб-қувватлашларни ўз зиммаларига олаётганлиги, марказ томонидан курсларни сифатли ўтказиш бўйича келишувлар амалга оширилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг халқаро алоқалар бўлими ва хорижий ташилотларга марказ томонидан лойиҳалар ишлаб чиқилиб тақдим қилинди.

МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА

Марказда таълим, илмий жараёнларни, ўқув ва лаборатория ускуналари, шунингдек, лаборатория материаллари, замонавий дастурий маҳсулотлар билан мунтазам тарзда таъминлаб бориш тизимли ишлар ташкил этилган.

Марказда молиявий маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, турли йўналишдаги тўловлар бўйича ҳисоб китобларни амалга ошириш борасида белгиланган тартибда ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, марказ молиявий ҳолатининг доимий таҳлилини олиб бориш, иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 911-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ Афғонистон Ислом Республикасининг фуқаролари ўқиш учун тўловни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқиётган чет эл фуқаролари учун назарда тутилган таълим қийматининг 50 фоизи миқдорида юбораётган Афғонистон Ислом Республикаси маблағлари ҳисобидан, тўловнинг қолган қисми “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб берилган.

Марказда 2017-2019 ўқув йилида 131 нафар, 2019-2020 ўқув йилида 172 нафар талаба таҳсил олди.

Марказнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича тегишли корхона ташкилотлар билан белгиланган тартибда шартномаларнинг тузилишини ва уларнинг ижроси устидан назорат ўрнатилиши таъминлаб келинмоқда.

Марказ биноларининг тозалигини таъминлаш ва марказ жойлашган ҳудудни ободончилигини таъминлаш бўйича доимий ишлар амалга ошириб борилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида марказ ҳовлисидаги барча дарахтлар оқланиб, таглари юмшатилди. Бино атрофи ва йўлаклар бўйлаб ҳар мавсумга мос гуллар, палма, манзарали дарахтлар сийрак бўлган қисмларига арча дарахтлари экилди. Марказ ҳовлисида бўш турган ҳудудларига уларнинг жойлашувидан келиб чиқиб манзара ва мева берадиган дарахтлар, гуллар, ўтлар, озиқ-овқат экинлари (чеснок, пиёз, бомия, зафарон, картошка, турп, редиска, турли кўкатлар) ва бошқа экинлар экилиши таъминланиб, уларнинг айримларининг ҳосили йиғиб олинган бўлса айримларининг вегитация даври давом этиб парвариши амалга ошириб борилмоқда.

Марказнинг 2019/2020 йил куз-қиш мавсуми давомида меъёрида фаолият юритиши учун барча тегишли ишлар амалга оширилди. Жумладан иситиш мавсумида ишловчи ўт ёқувчиларга қулай шарт-шароитлар яратилишини

таъминлаш мақсадида ўт ёқувчиларга мўлжалланган хона тегишли жиҳозлар билан жиҳозланиб, ўт ёқувчиларнинг керакли иш буюмлари ва жиҳозлари билан таъминланди. 2019/2020 куз-қиш мавсуми давомида иситиш қозонхоналарининг ва иситиш тизимининг меъёрида ишлаши учун барча чоралар кўрилди. 2019/2020 куз-қиш мавсумини меъёрида ўтказиш учун марказ қурилиши ва реконструкцияси бўйича марказнинг ички газ таъминоти тармоғи тортилган. Бундан ташқари газга мослашган МТУ-1200 КВт модул қозонхонаси ўрнатилиши ва унинг газга уланиши таъминланган. Марказнинг барча бинолари, жумладан, ўқув биноси ва талабалар ётоқхоналарининг ички замонавий иссиқлик тизимларини ўрнатиш ниҳоясига етказилган.

Жорий 2019/2020 куз-қиш мавсумларида марказ қурилишининг иккинчи босқичида ишга туширилган бинолар эвазига иситиладиган майдоннинг кўпайиши, натижада авалдан фойдаланиб келаётган кўмир ёқилғисига мослашган МТБ-900 КВт модул қозонхонасини газга мослаштириш эҳтиёжи туғилишини инобатга олиб, кўмир ёқилғисига мослашган МТБ-900 КВт модул қозонхонасини газга мослаштирилди. Бундан ташқари асосий ўқув биноси, 90 ўринли ётоқхона, 300 ўринли ётоқхонага, ўқув ишлаб чиқариш устахонаси, кир ювиш биноси ва ҳаммом биноларини иситилишини таъминлаш мақсадида янги иссиқлик трассаси тортилиши ниҳоясига етказилди. Юқорида қайд этилган шароит ва имкониятлар сабабли марказнинг 2019/2020 йил куз-қиш мавсуми давомида меъёрида фаолият юритиши таъминланди.

Жорий ўқув йилининг бошидан талабалар янги қуриб битказилган 300 ўринли талабалар турар жойининг 1-ва 2-қаватларига жойлаштирилган бўлиб,унда талабаларнинг яшаши учун барча шароитлар мавжуд. Жумладан:

-ҳар бир хонага гилам тўшалган;

-етарлича диван кроват, юмшоқ мебеллар тўплами, стол-стул, тумбочка, кийим шкафлари, пояфзал қўйгичлар ва бошқа мебел жиҳозлари, соат ва настольний светилниклар билан тўлиқ жиҳозланган;

-талабаларнинг манавиятхоналари, дарсхоналари, тиббиёт хонаси ва номозхоналари салқин ва иссиқ ҳароратини таъминлайдиган ARTEL кондиционерлари билан жиҳозланган;

-талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун 18 та телеканалларни бемалол кўриш имконияти мавжуд бўлган телевизорлар билан жиҳозланган.

Бундан ташқари:

- талабалар ётадиган ТТЖнинг 1 ва 2-қаватида меҳмонларнинг хонасига яқин жойларда ҳар бирида 1 тадан музлатгич, 2 тадан электр плиткаси ва бошқа жиҳозлар билан жиҳозланган 6 та ошхона, 2 та кир ювиш машинаси, 2 та

дазмоллаш доскаси ва 2 та дазмол ва 2 та кир қуритиш ускунаси билан жиҳозланган 4 та кир ювиш хонаси, ҳар бирида кондиционер билан жиҳозланган 2 та шинам намозхона, 1 ва 2-қаватда бўлган сув иситиш жиҳозлари (аристонлар) ўрнатилиб, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган ҳожатхона, таҳоратхона, ва ювиниш хоналари талабалар учун хизмат кўрсатмоқда (уларда сувнинг босимини меъёрида таъминлаш учун 3 та ШМЖ таосув насослари ўрнатилган). Шунингдек, талабаларнинг ҳар бирига сочиқ, тиш пастаси ва шёткаси, оёқ кийим каби шахсий фойдаланиш воситалари берилди.

Аоутсоринг тизимига асосан “Акс-Сурхон”МЧЖ билан уч томонлама келишиш шартномага асосан ошхонада талабаларга 3 маҳал таом тайёрлаб берилмоқда. Марказнинг барча ўқув бинолари, талабалар турар жойи, ошхона, кир ювиш, хаммом, спорт заллари талабаларнинг янги 2020-2021 ўқув йили учун тайёр ҳолатда.









ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИШЛАР

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида қабул қилинган нормаларга асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ кундузги таълим шакли бўйича кредит-модуль тизимида ўқитиш амалга оширилмоқда.

Афғонистон томони эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда марказ учун 17 та олий таълим йўналишлари ва 16 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари ўқув режалари модуллаштирилган шаклда ишлаб чиқилган ҳамда вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган.

Марказда 2017-2019 ўқув йилида 121 талаба 2019 йил 5 июлгача таҳсил олишди, улардан 13 нафари қизлардир. Булардан:

96 нафар “Ўзбектили ва адабиёти” бакалавр таълим йўналиши бўлиб, бу талабаларга ТДЎТАУ ва ТерДУнинг профессор-ўқитувчилари, яъни 46 % илмий даражага эга бўлган фан докторлар дарс беришди. 96 нафар талабалар 2019 йил 5 июл куни А.Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг бакалавр даражадаги дипломига эга бўлишди.

25 нафари эса “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” (локомотивлар, вагонлар) йўналиши бўйича таҳсил олишга тайёргарлик кўраётган тингловчилар бўлиб, ўзбек тили ва рус тили ўкув курсларда ўқидилар.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб жами 172 нафар талабалар таълим олишмоқда. Шундан 25 нафари “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” (локомотивлар, вагонлар) таълим йўналиши бўйича 2-курсни, 10 нафар талабалар 1-курсда таҳсил олишни бошладилар. Шунингдек, 119 нафар Ўзбек тили ва адабиёт таълим йўналишини, 18 нафар Тиббиёт (акушерлик ва хамширалик иши) таълим йўналишида таҳсил олмоқда.

Дарс машғулотлари махсус жиҳозланган ўқув хоналарида олиб борилмоқда, яъни:

- електрон доска ва кўргазмали воситалар билан таъминланган 2 та ўқув хонаси;
- 20 та 30 ўринлик, 9 та 60 ўринлик ўқув хонаси;
- кўргазмали воситалар билан таъминланган 8 та ўқув хонаси;
- масофадан ўқитишга мўлжалланган 42 анжуманлар хонаси;
- ер усти транспорти эксплуатацияси йўналишига мўлжалланган 2 та ўқув хонаси;
- 18 ўринга мослашган компьютер хонаси 3 та;
- 18 ўринга мослашган лингафон хонаси;
- йўналишлар бўйича керакли адабиётлар билан таъминланган, интернет тармоғига уланган 80 ўринли АРМ;
- маънавий-маърифий тадбирлар учун 200 ўринга мулжалланган фаоллар зали;
- талабаларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун фаолият кўрсатаётган 4 та тасвирий ва амалий санъат, тикувчилик, афғон гилам тўқиш тўгараклари;

- турли спорт мусобақаларига мўлжалланган қишки ёпиқ зал ва очиқ спорт майдонлари мавжуд.

Марказнинг ахборот-ресурс маркази техника йўналишидаги фанлар бўйича жами 2087 та, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича 1248 та ўқув ва ёрдамчи адабиётлар, 1400 дан ортиқ бадиий ва ижтимоий-сиёсий йўналишдаги адабиётлар, шунингдек, Ўзбекистонда ишланган 500 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудиотўпламлар дисклари билан тўлдирилди. 10000 мингдан зиёд электрон китоблар тўпламидан фойдаланиш имкони яратилди. Шунингдек, 2 дона Ўзинфокиоск қурилмаси ўрнатилган бўлиб, унда ўзбек ва дари (афғон) тилларида дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва ушбу дастурдаги 5 та бўлим (“Ўзбекистон рамзлари”, “Маданий мерос”, “Арбоблар”, “Ифтихорларимиз”, “Галерея”) маълумотлари билан тўлдирилган.

2019-йилнинг 26-ноябр ойидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, Фонетика, Ёзма нутқ меъёрлари, Умумий тилшунослик, Ўзбек фольклори, Ўзбек тилининг амалий грамматикаси, Ҳозирги ўзбек адабий тили, Адабиётшунослик асослари, Ўзбек адабиёти тарихи, Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, Фуқаролик жамияти, Хорижий тил, Жисмоний тарбия ва гигиена, Табиатшунослик, Мамлакатшунослик фанлари ўтилди.

Ушбу фанлардан машғулотларни олиб бориш учун Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва Термиз Давлат университети профессор-ўқитувчилари ва марказда фаолият олиб бораётган ўқитувчилар жалб этилди.





Марказда таҳсил олаётган ва Ер усти траспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (Локомотивлар) йўналиши талабаларига ноябр ойидан тасдиқланган режа асосида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва рус тили фанларидан дарс машғулотлари ўтилди.





Ер усти траспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (Локомотивлар) йўналиши 2-босқичида Олий математика, Физика, Темир йўл транспорт асослари, Чизма геометрия ва муҳандистлик графикаси, Электро техника ва электроника асослари, Термодинамика, Назарий механика, Машина ва механизмлар назарияси, Конструкцион материаллар ва технология, Ички ёнув двигателлари, Гидравлика каби фанлар ўтилди. Ушбу фанлардан Тошкент темир йўллар муҳандислари университетидан профессор О.Аблялимов ҳамда ўқитувчилардан: Ш.Мамаев, Т.Турсунов, Ж.Шомуродов, С.Қаюмов, Н.Аҳмедов, Р.Бозоров, А.Шоимқулов ва Термиз давлат университетининг профессори М.Мирсабуров, доцент Қ.Бобомуродов, ҳамда катта ўқитувчи У.Бобомуродовлар дарс машғулотларини олиб борди.

2019-2020-ўқув йилининг биринчи ярмида Ўзбек тили ва адабиёти йўналишида 119 нафар талаба таҳсил олиб, уларга Лотин ёзуви, Адабиётшунослик асослари, Тилшунослик асослари, Ёзма нутқ меъёрлари, Ўзбек тилининг имло қоидалари, Фуқаролик жамияти, Хорижий тил, Жисмоний тарбия фанлари ўтилди.

Тиббиёт: акушерлик ва ҳамширалик иши таълим йўналишининг 107 гуруҳида ва Ер усти тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси йўналишидаги 106 гуруҳининг ўкишлари учун дотин ёзувидан 130 соатлик дарс ўтилди.Барча ўқувчилар фанни тўлиқ ўзлаштирди. Рус тилидан 420 соат дарс ўтилди ва барча ўқувчилар фанни тўлиқ ўзлаштирди.

2020-йил 7-10-феврал кунлари Навоий вилоят ҳокими таклифига биноан марказ рахбарияти ва бир гурух иқтидорли талабалари хазрат Алишер Навоий





тавалудига бағишланган катта тадбирда, илмий-назарий конференцияда фаол иштирок этдилар. Улар вилоят ҳокимининг фаҳрий ёрлиқлари ва “Хамса” достони жамланмасидан иборат эсталик совғалар билан тақдирланди.

2020-йил 5-6-март кунлари ўқув-услубий бўлим бошлиги Абдуллаев Орзумурод ва бир гуруҳ марказ талабалари “Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш” мавзусидаги анжуманда қатнашиш учун Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бўлиб қайтишди.

2020-йил 9-июнда марказ миқёсида “Ўзбекистон ва Афғонистон давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантиришда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг ўрни” номли илмий-амалий конференция ташкил этилди. Бу конференцияда марказ ўқитувчи ва талабалари фаол иштирок этди.





Янги ўқув йилида Ўзбек тили ва адабиёти, Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (Локомотивлар), Олий ҳамширалик ва акушерлик таълим йўналишига 150 нафар биринчи курс талабалари қабул қилинади. Шунингдек ҳозирги кунда Афғонистон томони билан Математика, Физика, География, Биология, Тарих, Касбий таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаб бериш масаласида музокаралар олиб борилмоқда.

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида 2020-2021 ўқув йили учун 750 ўринли ўқув лаборатория биноси ва барча моддий техник база ҳамда фан ўқитувчилари томонидан барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар тайёрланди.

2019-2020 ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

Марказда маънавий-аҳлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Марказ ёшларини мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, жаҳон миқёсида ўз тенгдошларига ҳар бир соҳа да тенглаша оладиган инсонлар бўлиб камол топиши учун барча имкониятларни сарфламоқдамиз.

Маънавий-маърифий соҳага доир Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Вазирлик ҳайъати қарорлари, буйруқлари ва модемларида берилган вазифалар ижроси марказнинг талабалар билан ишлаш бўлимида бажарилади.

Ўқув йили давомида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш максадида 200дан ортиқ маънавий-маърифий, спорт тадбирлари, кўрик танловлар, телебеллашувлар ҳамда адабий-бадиий кечалар ўтказилди. “Устоз ва мураббийлар”, “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги”, “Давлат рамзлари”, “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 82 йиллиги”, Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги, ўзбек халқ шоираси Зулфия хоним таваллудининг 105 йиллиги, Муҳаммад Юсуф таваллудининг 66 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 684 йиллиги ҳамда ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 126 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари вилоят ва республика ОТМ ўртасида ўтказилаётган “ҚВЗ”, “Жануб зукколари” телебеллашувида марказимизнинг “УзАф” жамоаси саралаш босқичида иштирок этиб, 7 та ўйинда, яъни вилоятдаги 7 та Олий таълим муассасаларнинг жамоалари жамоалари билан беллашиб ғолиб бўлганликларини ҳамда республика чорак финалида иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, “УЗАФ” жамоаси “Қувноқлар ва зукколар” телебеллашувининг Тошкент шаҳрида ўтказилган чорак финал ўйинларида муносиб иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 мартдаги, ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш учун марказда талаба ёшлар учун барча зарур шароитлар яратилган бўлиб, мунтазам равишда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, оғир атлетика тўгаракларида талаба ёшлар ҳамда марказга яқин 4 та маҳалланинг уюшмаган ёшлари 16-17-21-ўрта-таълим мактаблари ва ТерДУ, ТДТУ Термиз филиаллари билан спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Юқорида қайд этилган ўрта-таълим мактаблари ва марказ талабалари ўртасида мунтазам равишда “Заковат” интелектуал ўйинлари ўтказиб борилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, марказ АРМида “Менинг туҳфам” акцияси ўтказилиб, Марказ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан кутубхона фонди кенгайтирилди. Янги бадиий, сиёсий, адабиётларнинг тақдимоти ўтказилди. Афғонистон Ислом Республикаси вилоятлари тўғрисида кичик хажмдаги кўргазмали китоблари тайёрланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сурхондарё вилоят раҳбари М.Олламурод, Ишонч телерадиокомпанияси раҳбарлари А.Қодиров, “Сурхон тонги”, “Термиз оқшоми”, “Жануб вақти”, “Ёшлар овози“ газеталарнинг масъул мухбирлари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада марказ талабаларининг шеърлари, қисса ва ҳикояларини ОАВда ёритиш ва махсус китобларда нашр қилинишига келишиб олинди. Марказнинг айрим иқтидорли талабалари томонидан ўзбек адабиёти ва мутахассислик фанларидан чоп этилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини ўзбек тилидан форс (*Афғонистондаги расмий тил*) тилига таржима қилинди.

Шунингдек, марказимизда фаолият олиб бораётган “Сомон санъати” тўгараги раҳбари Қаюмова Сабинанинг 2020 йил Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланганлиги бу марказ фаолияти учун энг катта ютуқлардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бир қаторда Марказ ҳодимлари ҳамда талабалари Сурхондарё вилоятида ўтказилган турли халқаро Афғонистон ИРдан ташриф буюрган расмий ва савдо саноат ходимларига таржимонлик қилдилар.

Талабаларни юқори савияда билим олишларини таъминлаш мақсадида Марказда ахборот технологиялар хонаси ва ахборт ресурс маркази ташкил этилган бўлиб, ушбу ўқув хоналари замонавий компютерлар махсус оптиктолали интернет тармоғи билан таъминланган.

Шунингдек, ўқув жараёнидан сўнг афғон ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қўшимча тўгараклар ташкил этилган. Хусусан, мини футбол, стол тенниси, волейбол, баскетбол спорт тўгараклари, кулолчилик, тикувчилик, заргарлик, гиламдўзлик ва сомон иши бадиий ҳаваскорлик тўгараги, компютер саводхонлиги, инглиз ва рус тили фан тўгараклари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Марказ талабалари учун вилоятимиздаги тарихий обида ва ёдгорликлари ҳамда диққатга сазовор жойларига ҳафтанинг ҳар якшанба кунлари экскурсиялар ташкил этилмоқда. Шу кунга қадар талабалар “Кокилдор

ота”, “Қирққиз”, “Султон Саодат”, “Ат-Термизий”, “Исо-Термизий”, "Жарқўрғон минораси", "Сангардак шаршараси", “Термиз чинни заводи”, “Surxon Silk” ипакчилик фабрикаси, “GDF” агро фирмасида, Археология музейида, вилоят ахборот ресурс марказида бўлиб, юқори таассуротлар билан қайтишди.

Ўқув йили давомида талабалар орасида турли ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчиликни олдини олиш мақсадида, Термиз туман ИИБ ҳамда Ш.Рашидов МФЙ ҳодимлари ҳамкорлигида "Гиёҳвандлик-аср вабоси", “Диний экстремизм”, “Одам савдоси” каби мавзуларида учрашувлар ўтказилди.

11 июнь куни барча 172 нафар талаба ёзги таътил муносабати билан доимий яшаш жойлари, яъни Афғонистон Ислом Республикасининг 20 та вилоятига махсус режа асосида кузатиб қўйилди.

Марказда ўтказилаётган ўқув ва маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда шонли саналар ва байрамлар мунтазам равишда республика ва жаҳон миқёсидаги ОАВларда ҳамда интернет сайтларида, хусусан Марказнинг www.uzaf..uz ҳамда “УЗАФ Матбот хизмати” телеграмм каналида доимий ёритиб борилмоқда. (Амалга оширилган тадбирлар тўғрисида махсус фотоальбом тақдим этилади).

Марказ жамоасининг маънавий-маърифий фаолиятини янада оширишиш мақсадида қуйидаги тадбирлар ўтказилди:



2019 йил 6-сентябрь. Марказ талабалари ва ишчи-ходимлар ўртасида Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишлаб футбол мусобақаси ўтказилди.



2019 йил 11- сентябрь. Марказнинг “УЗАФ” жамоаси Тошкент шаҳрида ташкил этилган ОТМлар ўртасида ўказилган “Қувноқлар ва зукколар” телебеллашувининг чорак финал босқичида муносиб иштирок этди.

2019 йил 10-15 сентябрь. Марказ ҳунармандлари Муҳтарам Президентимиз томонидан ташкил этилган “Қўқон халқаро ҳунармандчилик фестивали”да фаол иштирок этдилар.



2019 йил 19-21-сентябрь. Марказнинг иқтидорли талабалари 19-21сентябрь кунлари Тошкент шахрида бўлиб ўтган «ЮКСАЛИШ» умуммиллий ҳаракати ва Конрад Аденаур жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Рақамлашув, иқтисодиёт, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш: Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи учун истиқболлар» мавзусидаги ёшлар конгрессида фаол иштирок этишди.







2019 йил 21-22 сентябрь. Вилоятимизда “Очик Жануб халкаро бизнес Форум II” бўлиб ўтди. Ушбу форумда Марказ ҳодимлари ҳамда 25 нафар иктидорли талабалари АИРдан ташриф буюрган расмий ва савдо саноат ходимларига (рус, фарс, пушту, инглиз тилларида) таржимонлик қилдилар.

2019 йил 18-октябрь. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш мақсадида, Термиз



шаҳри 16-умумий ўрта таълим мактаби маъмурияти ҳамда ўқувчилари ташриф буюриб, спортнинг мини футбол тури бўйича ўртоқлик учрашуви ўтказилди.



2019 йил 18 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Мажидов Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига ташриф буюрди. Ташриф давомида марказда янги қурилиб битказилган талабалар турар жойи, ишлаб чиқариш ўқув устахонаси, кир ювиш ҳонаси, ошхона ҳамда ободончилик ишлари билан танишиб, тегишли кўрсатмалар берди.



21.10.2019.Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида 21-октябр - Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига 30 йил тўлиши муносабати билан марказ ходимлари ўртасида диктант танлови ўтказилди.

18.10.2019.Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишлаб "Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатация қилиш" йўналиши талабаларига "Тил-миллат кўзгуси" номли иншолар танлови ўтказилди.

15.10.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази "Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатация қилиш" йўналишида таҳсил олаётган талабалар "Термиз локомотив депоси"да амалий машғулотини ўтади. Ушбу дарсда махсус фан ўқитувчиси Р.Бозоров ҳамда темир йўл соҳасининг етук тажрибали мутахассислари томонидан афғонистонлик бўлғуси инжинерларга "Темир йўл тизимлари ҳамда унинг эксплуатацияси" мавзусида амалий машғулот ўтилди.





21.10.2019. 21-октябр - Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлиши муносабати билан Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим

маркази жамоаси ва талабалари Алишер Навоий пойига гулчамбар қўйди. Ҳазрат Навоийни ёд этиб ғазал ва рубоийлар ўқилди. Тадбир вилоятнинг муҳташам санъат саройида давом этди. Талабалар "Ўзбекистон 24" ва СТВ телеканалларига интервью беришди.





24.10.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида “Сайлов-2019”га тайёргарлик ишлари бошланди. Марказда жойлашган 226-сайлов участкаси раиси ҳамда барча масъул ходимларга тегишли ва зарур бўлган хоналар ажратилди.

25.10.2019. Афғонистон фуқароларини ўкитиш таьлим марказида "Биз ёшлар диний экстремизмга қаршимиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирни марказ директори О.Рўзиев очиб берди. Тадбирда Термиз тумани фаол тарғиботчи вакиллардан Чори Кобилов, Эшбек Қуванов ҳамда Панжи Бердимуродовлар иштирок этдилар. Тадбирда Сурхондарё вилоятида истиқомат қилган айрим ёшларнинг диний экстремизмга адашиб кириб колганликларини акс этувчи видеоролик намойиш қилинди.





28.10.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази "Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатация қилиш" йўналишида таҳсил олаётган талабалар навбатдаги амалий машгулотни "Ғалаба" станциясида ўтаб келдилар. Ушбу дарсда махсус фан ўқитувчиси Р.Бозоров

ҳамда темир йўл соҳасининг етук тажрибали мутахассислари томонидан афғонистонлик бўлғуси инжинерларга амалий машғулот ўтилди.





29.10.2019. Ўзбекистон Республикаси Юксалиш умуммиллий харакати бошқарма бошлиғи, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Сапаров Шерзод Бахтиёрович, Сурхондарё вилояти Юксалиш умуммиллий ҳаракати бош мутахассиси Исанов Шерзод Жуманазаровичлар "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш юзасидан жамоатчилик билан маслаҳат" мавзусида семинар тренинг ўтказди.

29.10.2019 Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда Термиз тумани хокимлиги иштирокида тумандаги мавжуд ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида семинар бўлиб ўтди.





2019 йил 5 ноябрь куни Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида "Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасидаги трансчегаравий савдони ривожлантириш" бўйича ишчи комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.







8.11.2019. "Зулфия"номидаги давлат мукофотига номзодларни саралаш вилоят боскичи бўлиб ўтди. Кўрик танловда Афғонистон фуқароларини ўкитиш таълим марказидан тўгарак раҳбарлари Сабина Каюмова ҳамда Ўролтош Хуррамовалар иштирок этиб танловнинг Республика босқичига қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди.







9.11.2019 Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Ушбу концепциянинг мазмун-моҳияти ҳамда Олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ўзаро тажрибалар алмашиш мақсадида, Тошкент давлат Аграр университети Термиз филиали профессор-ўқитувчилари А.Шаманов, М.Қувончиева ҳамда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ўқитувчи ва талабалари билан ҳамкорликда "Олий таълим 2030-Тараққиёт сари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



17.11.2019йил. “Халқаро талабалар куни” муносабати билан ТерДУнинг Денов филиали директори У.Ч.Эшқараев, факультет декани М.Наимовларнинг ташаббуси билан "Чағониён" фольклор этнографик ансаблининг тақдимот концерти бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда марказнинг иқтидорли санъатсевар талабалари ҳам ўз чиқишлари билан Афғонистон миллий санъати ва маданиятини намойиш этишдилар.

17.11.2019. Термиз шаҳрида “Бир миллион дарахт” акциясига старт берилди. 17 ноябрь куни Термиз шаҳрида “Бир миллион дарахт” акцияси тадбири ташкил этилди. Тадбирда вилоят ҳокими Тўра Боболов, Юксалиш умуммиллий ҳаракати раҳбари, барча бошқарма, корхона ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ҳамда АФЎТМ ходимлари қатнашдилар. Тадбирга старт берилгандан сўнг вилоят ҳокими томонидан акция доирасида илк кўчат экиш тадбири бошлаб берилди. Марказ жамоаси ҳам ушбу акцияда муносиб қатнашдилар.





18.11.2019. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзларидан бири ҳисобланган байроқ тасдиқланган кун. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда мамлакатимиз тимсоли сифатида юксакларда ҳилпираб туради.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази жамоаси Ўзбекистон байроғи қабул қилинган кунни кенг нишонлади.

20.11.2019. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида





ташкил этилган акцияда вилоят ҳокимлиги, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Сурхондарё вилояти бўлими, Европа иттифоқи Марказий Осиё минтақавий экология марказининг Ўзбекистондаги филиали, ОАВ, кенг жамоатчилик вакиллари, биология фани ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.
Вилоятимизда бошланган ушбу акция ўзига хос иқлимга эга жанубдаги воҳани кўпроқ, яшил бойликларга буркаб, экологик ҳолатни янада барқарорлаштириш ва афғон шамоли номи билан танилган чанг кўтарилишининг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Акция давомида иштирокчилар марказ ҳудудига 250 дан зиёд манзарали дарахт кўчатларини экди.“Бир миллион дарахт” акциясининг фаол иштирокчиларига “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Сурхондарё вилояти бўлими, Европа иттифоқи Марказий Осиё минтақавий экология марказининг Ўзбекистондаги филиали ходимлари томонидан Сертификат ва эсдалик совғалар топширилди.

25.11.2019й. Марказда таълим олиш учун навбатдаги 147 нафар Афғонистонлик ёшлар таҳсил олиш учун Ўзбекистонга ташриф буюришди. Ёшларни тантанали тарзда Хайратон чегара постидан кутиб олинди.





01.12.2019йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази маъмурияти ҳамда талабалар ўртасида одоб-аҳлоқ, ички тартиб қоидалари ҳамда кийиниш маданияти мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида янги қабул қилинган




147 нафар талабалар учун тиббий кўрик ташкил этилди. Ушбу тиббий кўрикда бевосита вилоят соғликни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари жалб этилди.



01.12.2019 йил. Марказ талабалари вилоятнинг маданий ва тарихий обидаларига саёҳатларга олиб борилди. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази жамоаси ва яқинда марказга ташриф буюрган 147 нафар талабалар Термиз туманидаги Султон Саодат ҳамда Ал-Ҳаким Ат-Термизий ёдгорлик мажмуаларини зиёрат қилишди.



05.12.2019. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Термиз туманидаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросига бағишланган учрашув ўтказилди.



07.12.2019. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги муҳташам Санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан вилоят байрам тадбири бошланди. Ушбу байрам тадбирида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази жамоаси ҳамда афғонистонлик талабаларимиз фаол иштирок этдилар.

9.12.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий, спорт мусобақалари ҳамда мақолалар танловида ғолиб устоз ва талабаларимиз марказ маъмурияти томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалар билан рағбатлантирилдилар.



10.12.2019. Термиз шаҳрида 10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳарбийлар, спортчилар, шоир ва ёзувчилар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган тантанали тадбирда Афғонистонлик ёшлар ҳам фаол иштирок этдилар. Давлатимиз мадҳияси ёшу кекса қалбига озод ва обод Ватанимиздан ғурурланиш туйғусини инъом этаётганини ҳамда ватанимизда давлат рамзларига бўлган юксак эътиборни кўрган афғон-ёшлари тадбир давомида ОАВ га ўз фикрларини баён этиб, интервью бердилар.





2.12.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида ўзбек халқининг атоқли фарзанди, шоир, драматург ва йирик олим Ҳамид Олимжон ҳамда Қирғизистон халқ ёзувчиси, академик Чингиз Айтматовларнинг таваллуд топган кунларига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



14.12.2019. Жануб зукколари телебеллашувининг навбатдаги гуруҳ босқичида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг "УЗАФ" жамоаси Низомий номидаги Тошкент давлат университети Термиз филиалининг "Зиё" жамоаси устидан ғалаба қозониб, гуруҳ баҳсларида ўз етакчилигини мустаҳкамлаб олди.



17.12.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили И.Иргашев ташриф буюрди.

19.12.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази "Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатация қилиш" йўналишида таҳсил олаётган 2 босқич талабалари навбатдаги амалий дарсларини «Термиз ДЕПО»сида ўтадилар.





21.12.2019. 2019 йил 21 декабрь куни Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида “Термизийлар меросига эътибор” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

24.12.2019 Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш мақсадида, дунёда ягона бўлган “Бахшилар мактаби”дан Шерали бахши иштирокида учрашув ўтказилди. Учрашув давомида ёш иқтидорли бахши томонидан Алпомиш ҳамда Гўрўғли каби достонлардан термалар ижро этилди.





26.12.2019 Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида
“Биз илм севар ёшлармиз!” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

28.12.2019. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида “Янги йил арчаси” байрам карнавали бўлиб ўтди.







04.01.2020 йил. “Ўзбекистон ҳам зиёрат, ҳам саёҳат маскани!!!”
Қишки таътилни мазмунли ўтказиш мақсадида, Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг ҳар бир гуруҳ кесимида кунлик зиёрат ва саёҳатлар ташкил этилди.







05.01.2020. Таътилни мазмунли ўтказиш мақсадида марказнинг ҳар бир гуруҳ кесимида кунлик Абу Исо Имом Термизий, Археология музейига ва ишлаб чикариш корхоналари, Шеробод Евро Мед муассасаларига зиёрат ва саёҳатлар ташкил этилди.



11.01.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида 14-январ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Миллий ва белбоғли кураш буйича Марказ биринчилиги мусобақаси ўтказилди. Ғолиб ва совриндорларга эсталик совғалар ва дипломлар берилди.



12.01.2020 йил. Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Сурхондарё вилоят қўриқлаш Бошқармаси алоҳида батальони ҳамда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази билан ҳамкорликда 14 январ Ватан ҳимоячилари куни байрамига бағишланган спортнинг мини футбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Марказнинг барча гурухлари ўзаро беллашиб ғолиб бўлган 1-2-3-ўрин ўйнаб ғолиб бўлган жамоаларга эсталик совғалар ва медаллар билан тақдирланди.









14.01.2020 йил. Ватан ҳимоячилари куни байрамида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан Термиз шаҳридаги





Ёшлар марказида "Ватанпарварлик-миллий юксалиш сари" шиори остида Республикамиз аҳолисининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилаётган касб эгалари таклиф этилиб тадбир ташкил этилди. Тадбирни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси Ш.М.Олимов очиб берди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда 14 январь - “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан соҳа вакилларини қутлади ва ҳарбийларга эсдалик совғалари топширди. Шундан сўнг,

Термиз шаҳар маданият бўлими ижодий жамоаси, вилоят Филармонияси хонандалари, Ўзбекконцерт давлат муассасаси Сурхондарё вилоят бўлими эстрада хонандалари ва Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази билан ҳамкорликдаги концерт дастури намойиш этилди. Айниқса, афғон ёшлари томонидан ижро этилган «Она» монологи зобит ҳамда аскарларга жуда манзур бўлиб, талабаларимиз уларнинг эътироф ва олқишларига сазовор бўлдилар.

14.01.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида "Ватанпарварлик - миллий юксалиш сари" шиори остида марказ раҳбарияти ва жамоаси ташаббуси билан маънавий-маърифий тадбир ҳамда «Балли йигитлар» кўрик танлови ўтказилди.





“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БАРЧАНИНГ БУРЧИ”

22.01.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида олий таълим тизимида коррупция ҳолатлари ҳамда уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитлар бўйича ўтказилган йиғилиш тафсилотлари ҳамда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган раҳбар-ходимлар, бўлим бошлиқлар ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

24.01.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Афғонистон Ислом Республикасининг Термиз шаҳридаги бош консулининг ўринбосари Муҳтор Азимий ҳамда марказда таҳсил олаётган талаба-ёшлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди



«БЕШ ТАШАББУС АМАЛДА...»



8.01.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Сурхондарё вилоят прокуратураси, Термиз туман ҳокимлиги, туман Халқ таълими бўлими томонидан Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш мақсадида, маънавий-маърифий ҳамда маъданий спорт тадбирлари ўтказилди.

28.01.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган





5 та муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш мақсадида, Сурхондарё вилояти маданият ходимларидан “Шухрат” медали соҳиблари Муҳаммад ҳамда Сафар бахшилари иштирокида учрашув ўтказилди.

30.01.2020 йил. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 82 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу тарихий сана муносабати билан Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида “Сиз доимо қалбимиздасиз!” шиори остида хотира тадбир ўтказилди.





07.02.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.





11.02.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Термиз туман ИИБ ҳамда Ш.Рашидов МФЙ билан ҳамкорликда "Гиёҳвандлик - аср вабоси" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.




14.02.2020 йил. Буюк шоҳ ва шоир, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 537 йиллик таваллуд куни муносабати билан Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида маънавий-маърифий ҳамда бадиий-адабий кеча ўтказилди.

17.02.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш мақсадида, маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, “Прокурор ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди.







01.03.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида буюк ўзбек шоираси Зулфия Исроилова таваллудининг 105 йиллигига бағишланган “Баҳор келди сени сўроқлаб” номли адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

6.03.2020 йил. Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида таҳсил олаётган бир гуруҳ ўқувчи қизлар Термиз шаҳридаги 12-сонли "Меҳрибонлик уйи"га ташриф буюрдилар.





07.03.2020й. АФҒОНИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТАЪЛИМ МАРКАЗИНИНГ ТЎГАРАК РАҲБАРИ САБИНА ҚАЮМОВА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ!!!






“СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН - МУҚАДДАС АЁЛ”

07.03.2020 йил. 8 март - Халқаро Хотин қизлар куни муносабати билан АФЎТ марказида "Сен барибир муқаддассан – муқаддас аёл" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



“ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР”

14.03.2020 йил. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Республикамиз миқёсида 14-15 март кунлари "Обод юрт" умумхалк ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хайрия ҳашарининг биринчи куни режа асосида марказ жамоаси билан муносиб ўтказилди.





14.03.2020 йил. Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, учинчи сектор раҳбари, полковник Абдувоҳид Исмоилов Термиз тумани Амир Темур маҳалласидаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида қўшни давлатдан келиб ўқиётган талабалар ёшлар билан учрашди.





2020 йил 16 март кунидан бошлаб, ҳукуматимиз томонидан “Covid-19” коронавирус пендемиясига қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлари ҳамда Олий таълим муассасаларида дарс машғулотлари вақтинчалик





тўхтатилиб, таълим жараёнлари тўлиқ “Онлайн” режимига ўтказилганлиги муносабати билан, йиллик режага мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган маънавий-маърифий тадбирлар карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ўтказилди.

Барча гурухларнинг ўқув хоналари махсус алоҳида интернет тармоғига уланди. WiFi тармоғи, ахборот ресурс марказларининг фаолиятлари ҳамда ТТЖда алоҳида компьютер хоналари қўшимча электрон адабиётлар билан тўлиқ таъминланиб берилди.

Талабаларнинг бўш вақтларини янада мазмунли ўтказиш мақсадида, махсус соҳа вакиллари ажратилиб турли йўналишлар бўйича махсус видеороликлар, электрон маърузалар тайёрланди. Шунингдек, барча академик гуруҳларнинг махсус телеграмм каналлари очилиб онлайн топшириқлар берилди.



Талабаларнинг тил муомаласини янада ўстириш мақсадида марказ АТМ компьютерларига 100 дан ортиқ дарсликлар ҳамда рус ва ўзбек тилидаги кинофильмлар кўрсатилди.

Шунингдек, марказдаги тўгараклар фаолияти ҳақида 50 дан ортик видеороликлар тайёрланади. Талабалар устозларининг амалий ёрдамлари билан таълим олиш билан бир қаторда спорт, санъат турлари бўйича ўзлари ўрганган ишларни амалда синаб кўриш бахтига муяссар бўлишмоқда.



AFG‘ONISTON FUQAROLARINI O‘QITISH TA’LIM MARKAZIGA
AMERIKA QO’SHMA SHTATLARINING O‘ZBEKISTONDAGI FAVQULOTDA VA
MUXTOR ELCHISI DANIEL ROSENBLUM TASHRIFI
16.09.2019














AFG‘ONISTON FUQAROLARINI O‘QITISH TA’LIM MARKAZIGA
GERMANIYA FEDERATIV RESPUBLIKASINING MAZORI-SHARIF SHAHRIDAGI
BSOH KONSULLIK IDORASI VAKILLARINING TASHRIFI
11.12.2018














AFG‘ONISTON FUQAROLARINI O‘QITISH TA’LIM MARKAZIGA
AFG’ONISTON ISLOM RESPUBLIKASIDAN YANA 150 DAN ORTIQ YOSHLAR
TA’LIM OLISH UCHUN MARKAZGA KELDI
25.11.2019














XITOY XALQ RESPUBLIKASINING O’ZBEKISTONDAGI ELCHISINING
MASLAHATCHISI CHJAN VENCHUAN VA UCHINCHI SEKROTARI VAN LIXUA
MARKAZGA TASHRIFI













16.03.2019

AFG‘ONISTON FUQAROLARINI O‘QITISH TA’LIM MARKAZIGA
KOREYA RESPUBLIKASINING O‘ZBEKISTONDAGI FAVQULODDA VA MUXTOR
ELCHISI KAN CHJE KVON TASHRIFI



SLOVAKIYA DAVLAT ELCHISI BORI YANNING MARKAZGA
TASHRIFI



YAPONIYANING O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAGI ELCHISINING
MASLAHATCHISI SUDA ATSUSHI TASHRIFI















MIR ALISHER NAVOIY TAVALLUDINING 579 YILLIGI MUNOSABATI BILAN
NAVOIY VILOYATI HOKIMI AFG'ONISTON FUQAROLARINI O'QITISH TA'LIM
MARKAZI TALABALARIGA "XAMSA" ASARLARINI SOVG'A QILDI















TASVIRIY VA AMALIY SAN'AT TO'GARAGI RAHBARI
QAYUMOVA SABINA ZULFIYA NOMIDAGI DAVLAT
MUKOFOTI SOHIBASI
O'ZBEKISTON MILLIY AXBOROT
01.03.2020


AFG'ONISTON ISLOM RESPUBLIKASI 14 TA VILOYATINING
BOSHQARMA BOSHLIQLARI O'QUV SEMINARI


AFG‘ONISTON FUQAROLARINI O‘QITISH
TA’LIM MARKAZINING ILK QALDIRG‘OCHLARI


Markazda Germaniyaning “GIZ” xalqaro tashkiloti tomonidan “Davlatning barqaror
rivojlanishida ma’muriy huquqning o‘rni” mavzusida o’tkazilgan seminari


YER USTI TRANSPORT TIZIMLARI VA ULARNING
EKSPLUATASIYASI YO'NALISHI TINGLOVCHILARI
Xush kelibsiz Termiz shahriga!